

## А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиши тўғрисида)

2025 йил 12 август куни жиноят ишлари бўйича Хива туман суди, Хива шаҳар, Гулистон маҳалласида, очиқ сайёр суд мажлисида, судья Д.Атамуратовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Нурллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Хива туман прокурорининг ёрдамчиси Х.Қўзибаев, гумон қилинувчи [REDACTED], жабрланувчилар [REDACTED], фуқаровий даъвогар [REDACTED]нинг иштирокида, [REDACTED]га нисбатан 1-2203-2501/55-сонли ишни кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] йил [REDACTED] март куни Украина давлатида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, яқка тадбиркор, уйланмаган, муқаддам судланмаган, [REDACTED] шаҳри, [REDACTED] маҳалласи, [REDACTED] кўчаси, [REDACTED]-уйда яшовчи [REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинган.

Суд гумон қилинувчи, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, [REDACTED] 2025 йил 23 июнь куни соат 17:00дан 18:00га қадар бўлган вақт оралиғида онаси [REDACTED]нинг номида бўлган “Lacetti” русумли, [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинасини Хива тумани, “Пирнахос” маҳалласи ҳудудидан ўтган D-215-сонли автомобиль йўлининг 19 кмда шарқ томондан ғарб томонга ҳаракатланиб бораётиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-сонли Қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг “Ҳайдовчи тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши шарт”-дейилган 8-банди ва “ҳайдовчи йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида транспорт воситасини бошқариш таъқиқланади”-дейилган 12-банди талабларини бузиб, кучли чарчоқ ҳолатида ухлаб қолиб, бошқарувни йўқотиб, йўлдан чиқиб кетиб, йўлнинг шимол томон четидаги бетон устунга урилиб, натижасида транспорт воситасида йўловчи сифатида бораётган фуқаро [REDACTED]га ўртача оғир тан жароҳати, фуқаро [REDACTED]га энгил тан жароҳати ва “Lacetti” русумли 90 А 372 ЗА давлат рақам белгили



транспорт воситаси эгаси [REDACTED] га 25.172.000 сўм миқдорда моддий зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Гумон қилинувчи [REDACTED] судда айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2025 йил 23 июнь куни ўзининг бошқарувидаги автомашинада йўл транспорт ҳодисаси содир қилгани, автомашинада бўлган йўловчи сифатида бораётган [REDACTED] оғир шикаст олгани, ҳозирда унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб бергани, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлиги, ўзаро ярашиб олишганлигини ҳисобга олиб, суддан жиноят иши ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Жабрланувчилар [REDACTED] лар судда бир хилда 2025 йил 23 июнь куни [REDACTED] нинг бошқарувидаги “Lacetti” русумли автомашинада йўл транспорт ҳодисасига учраб, тан жароҳати олганларини, ҳозирги кунда [REDACTED] уларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганини, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлигини ва у билан ихтиёрий ярашиб олишгани ҳақида кўрсатув бериб, ушбу жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўрадилар.

Фуқаровий даъвогар [REDACTED] судда, [REDACTED] ўғли бўлишини, 2025 йил 23 июнь куни [REDACTED] нинг бошқарувидаги ўзини номида бўлган “Lacetti” русумли автомашинада йўл транспорт ҳодисаси содир қилиб, автомашинага шикаст етказганини, ҳозирги кунда [REDACTED] унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб бергани, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ва у билан ихтиёрий ярашиб олишгани ҳақида кўрсатув бериб, ушбу жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Суд жиноят иши ҳужжатлари, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарнинг судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризалари билан танишиб, ишда қатнашаётган прокурорнинг [REDACTED] га нисбатан жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги хулосаларини эшитиб, гумон қилинувчини ўз айбига иқрорлигини, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогар билан ярашганлигини ва етказилган зарарни бартараф этганлигини, ярашув ихтиёрий эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 66<sup>1</sup>-моддасига асосан, гумон қилинувчига нисбатан жиноят ишини томонларнинг ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиб, гумон қилинувчини жиноий жавобгарликдан озод этишни ҳамда жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 6-қисми талабларини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 582-586-моддаларига амал қилиб, суд

## А Ж Р И М Қ И Л Д И:

[REDACTED]  
[REDACTED] га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми



билан бўлган жиноят иши томонларнинг ярашуви муносабати билан тугатилиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 6-қисми талаблари тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар, ажрим эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, гумон қилинувчи эса ажрим нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация тартибида Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига протест ёки хусусий шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли.

**Раислик қилувчи судья**

**Д.Атамуратов**

